# ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА РАХБАРНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қаршибоева Гулноза Абдуқодировна, катта ўқитувчи
Амонхонова Янглишхон Абдуазизхон қизи, магистр
Жиззах давлат педагогика институти

**Аннотация:** Мақолада муассаса бошқарувида раҳбар иш фаолияти самарадорлиги, натижадорлигини ошириш учун у биринчи навбатда жамоада шахслараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиши хақида сўз юритилади. Таълим муассасалари бошқаруви бу энг аввало инсонлар билан ишлаш, улар билан муносабатда бўлиш орқали иш унумдорлигининг ривожи бевосита раҳбар хусусиятига боғлиқ бўлган жараёндир.

**Калит сўзлар:** Касбий компетентлик, ақлий салоҳият, инновация, жорий этиш, маълумотлар, шахсий хусусиятлар, ташкилотчил қобилияти.

Таълим муассасалари бошқаруви бу энг аввало инсонлар билан ишлаш, улар билан муносабатда бўлиш орқали иш унумдорлигининг ривожи бевосита раҳбар хусусиятига боғлиқ бўлган жараёндир. Хусусан, таълим муассасаси раҳбари бошқарувда ўзида қуйидаги хусусиятларни мужассам этиши лозим:

1.Касбий компетентлик қобилияти: ақлий салоҳият, янги инновацияларни ўргаб жорий этишга қодирлилик, катта ҳажмли маълумотларни таҳлил қилиш, ўз шахсий хусусиятлари ва касби устида ишлаш, иш вақтини тўғри тақсимлаш ва ташкил этиш, ташкилотчилик ва маъмуриятчилик қобилияти, вазиятга кўра юзага келадиган муаммоларни зудлик билан ижобий ҳал этиш.

2.Шахсий қобилияти: тадбиркор ва ишни олдиндан кўра билиш, натижадорлилик, ишончли ва жавобгар, ривожланиш учун мотивация бера олувчи, қарор қабул қилувчи.

3.Мулоқат қобилияти: жамоа билан мулоқат қила олиш, жамоада ҳамкорликда ишлаш, суҳбат ва тақдимотларни сифатли ўтказа олиш, корпоратив фикрлаш.

Ҳар бир таълим муассасаси бошқарувида раҳбар иш фаолияти самарадорлиги, натижадорлигини ошириш учун у биринчи навбатда жамоада шахслараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиши лозим. Бунда раҳбар жамоа аъзоларининг педагогик-психологик хусусиятларини билиши керак. Чунки раҳбарнинг унга бўйсинувчиларга таъсир кўрсатиши ва кўзланган самарали мақсадга эришиши уларнинг ўзаро муносабатлари натижасида амалга ошади. Раҳбар ишини ташкил этишда қуйидаги функцияларни амалга оширади: 1. Режалаштириш; 2. Ташкил этиш; 3. Назорат қилиш. Раҳбар иш жараёнида барча диққат эътиборини ишдаги вазифаларга ва топшириқларга қаратиш билан бирга ўз навбатида у ўзида қуйидаги хусусиятларни ҳам мужассам қилиши керак: - Бошқарув маданияти; - Бошқарув маънавияти. Бошқарув маданияти бу раҳбарнинг муайян мақсадга эриши йўлида инсоний салоҳиятни рўёбга чиқаришга қаратилган маъданий-маърифий тадбирлар мажмуидир. Бошқарув маданияти ходимлар фаолияти, мақсадмуддаолари ва уларнинг қадриятларини ҳисобга олган ҳолда бошқаришни амалга ошириш ҳисобланади. Бошқарув маънавияти бу маънавият тамойилларининг бошқарув соҳасида намоён бўлиши, раҳбарга хос маънавий фазилатлар, жамият ва давлат ҳаёти, барча соҳалардаги бошқарувнинг маънавият талабларига мос бўлишини англатади.

Замонавий даврда педагогик илмлар таснифида айнан мутахассис-кадр компетенцияси масаласи ўз долзарблиги, катта қизиқиш уйғотаётганлиги ва таълим жараёнини ташкил қилиш, унинг самарадорлигини таъминлаш учун муҳимлиги ва заруриятини намоён этмоқда. Фаол ва ҳаракатчан, ташаббус

кўрсатиб, ўзининг профессионал мақсадларини аниқ англайдиган, инновацион тафаккурга эга ва таълимда янгиликларни амалга оширишга тайёр ўқитувчи компетенциясини шакллантириш ва таъминлаш, бу масаласини таълим ва тарбия жараёнининг энг муҳим унсурларидан бири эканлигини тарғиб қилиш тақозо этилмоқда. Мазкур тушунчанинг ижтимоий мазмуни жуда кенг бўлиб, у ишлаб чиқаришнинг қарийб барча йўналишларида қўлланилади. Компетенция турли соҳалар мутахассислари фаолиятига қўйиладиган замонавий талаблар мажмуига тенг бўлиб, унинг келиб чиқиш тарихи бошқарув назарияси, иш жараёнини ишлаб чиқариш мақсадига адекват ва тўлиқ мос тарзда тўғри бошқариш асосида унинг самарадорлиги сўзсиз таъминлаш, менежментлик амалиёти, ишлаб чиқариш жараёнидаги юқори ва пастки ходимлар меҳнат муомаласини қўйилган мақсад ва самарадорликка йўналтириш билан боғлиқдир.

Шунга кўра, конкрет ходим компетенцияси ўз фаолияти ва ўз шахсий ресурсларини самарадорликка йўналтира олиш қобилияти билан ҳамоҳангдир. Компетенцияга асосланган шахсни бошқариш ёндашувининг асосчиси сифатида David Mc Clelland (Дэвид Макклелланд) номини қайд этиш зарур. Олим ишлаб чиқариш жараёни хусусиятларининг психологик аспектларини ўрганган бўлиб, ишлаб чиқаришда мутахассис мотивациясини ишлаб чиқариш жараёни ва мақсадлари билан узвий бирлаштириш назариясининг асосчиси сифатида танилади. Олимнинг фикрига кўра, айнан иқтисодий кескин ривожланиш ва ўсиш кадр компенцияси масаласи зиммасидаги бўлиб, бирор бир иқтисодий ғоя ўз ўзидан эффектив бўлиб қолмайди, балки мана шу ғояни самарали қилувчи кадрлар ва улар компетенцияси мавжуд бўлиши лозим, кадрлар компетенциясини тўғри ва мақсадга мувофиқ шакллантира олган компаниялargina самарадор бўлади. Шунинг учун илмий-тадқиқот фаолияти натижаларининг амалиётга имплементацияси билан узвий бирлаштирилган инновацион таълим, фанлараро таълим, бизнес бошқарув таълими ва ҳ.к лар каби талаблар

биринчи ўринга чиқади. Тарихий жиҳатдан таълим тизимида компетентлик тушунчасининг кириб келиши ва унинг аҳамиятининг қабул қилинишига нисбатан куйидаги босқичлар ажратилади: Биринчи босқичда (1960–1970 йиллар) — илмий доиралар ва муомалага «компетенция» ва «компетентлик» тушунчалари кириб келди ва уларнинг амал қилиш қоидалари, қўлланилиш хусусиятлари белгиланди.

Биринчи бор “компетенция” атамаси 1965 йилда Массачусетс университети ўқитувчиси Н.Хомский томонидан ишлатилади. Бу сўзнинг семантик чегараси бугунги кунда жуда кенг бўлиб, аслида бу сўз “келишув”, “келишувчанлик”, “бирор бир нарсага мос келиш”, “мос бўлиш” маъноларини англатади. Бугунги кунда мазкур сўз кўпроқ “фаолият олиб боришнинг универсал, яъни ҳамма учун мос бўлган умумий хусусиятлари ва талаблари мажмуини” англатади. Мазкур компетенциялар турли мутахассисликлар доирасидаги долзраб, ечилиши зарур вазифаларни бажаришга йўналтирилади. Наум Хомский (инглизчаси), ўзи лингвист олим ва психолог бўлганлиги учун, “Синтактик структуралар” китобида бу истилоҳни тил борасидаги интуитив билим сифатида талқин қилади. Бу интуитивлик индивидга она тилини ўзлаштиришда асос бўлиб хизмат қилади ва тўғри жумлаларни нотўғри жумлалардан ажратиш имкониятини яратади. Бинобарин, Н.Хомский таснифида “компетенция” тилга нисбат берилган хусусиятлар мажмуи бўлиб, тилнинг лингвистик моҳиятини англаш учун зарур бўлган индивид хислатлари мажмуини англатади.

Иккинчи босқичда (1970–1990 йиллар) “компетенция” истилоҳининг қўлланилиш доираси кескин ўсади, мазкур сўз махсус истилоҳга айланади ва бирор бир соҳага оид хусусиятлар жамланмасини англата бошлайди ҳамда тил назарияси, менежмент, коммуникацияларни ташкил қилишда қўлланилади. 1984 йили Ж.Равеннинг (инглизчаси)«Competence in modern society: Its Identification, Development and Release»китоби нашр бўлади. Ж.Равен ўзига илмий вазифа қилиб, замонавий жамият нуқтаи назаридан

мутахассислик компетенцияси нимага тенг деган масалани қўяди ва эффективликни таъминловчи компетенциянинг 37 та компонентини ажратиб, кўрсатиб беради ва уларни “мотивацион қобилият” деб таъкидлайди. Маълумки, 1988 йилда Болония университетнинг 900 йиллиги нишонлаш тадбирларида Европанинг 80та университети ректорлари Magna Charta Universitarum (Университетларнинг буюк Хартияси) хужжатига имзо қўйишди. Бу ҳодиса Европа таълим тизими тарихидаги “Болония жараёни” деб номланган энг йирик лойиҳанинг бошланишини бўлди. Кейинчалик Европада яхлит ва ҳамма учун тенг имкониятлар яратувчи “Болония декларацияси” 19 июнь 1999 йилда имзоланди ва унинг мақсади олий таълимнинг Европа мамлакалариаро ягона ва яхлит маконини яратишдан иборат қилиб белгиланди. Компетенция нуқтаи назаридан эса, Болония жараёни давомида Европа меҳнат бозорларида иш берувчилар томонидан анъанавий “билим” парадигмаси “фаолият”, яъни “компетенция” парадигмаси билан тўлдирилди, бунинг натижасида таълим моделларида кадр тайёрлашнинг мақсади мутахассиснинг квалиметрик талаблари миқёсида“компетенция” тушунчасини энг муҳим хусусиятлардан бири даражасига кўтарди.

Учинчи босқичда (1990–2001 йиллар) бутун дунё, МҲД да, хусусан Россияда “Болония декларацияси” ижро ва таълим тараққиёти учун қабул қилинди, таълим ислоҳотларининг мақсадларидан бири мутахассиснинг квалметрик кўрсаткичларининг бош хусусияти қилиб айнан касбий “компетентлик” масаласи қўйила бошлади. Бу даврда Россиянинг қатор олимлари, хусусан А. К. Маркова, Е. Ф. Зеера, А. В. Хуторский ва бошқалар касбий компетентлик тушунчасини психология ва педагогика нуқтаи назаридан илмий-назарий ва методик жиҳатдан ишлаб чиқдилар.

**Адабиётлар рўйхати**

1.Kamolova, S. (2022). Ўқитувчи педагогик қобилиятларини шакллантиришнинг психологик асослари. *Журнал Педагогики и психологии в*

*современном образовании*, *2*(5). Извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5114
2. Shirin Kamolova, Расширение И Развитие Научное Мировоззрение Студентов , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
3. Shirin Kamolova, Самовоспитание – основа формирования гармонично – развитого поколения , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education
4.Shirin Kamolova, ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
5. Shirin Kamolova, The Role Of Universal And Scientific Values In The Spiritual Development Of Future Teachers , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
6. Shirin Kamolova, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании
7. Shirin Kamolova, IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari
8.Shirin Kamolova, АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari

9.Kamolova, Sh. (2022). ЁШЛАРНИ МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *2*(6). Извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5191

10.Shirin Kamolova, РАСШИРЕНИЕ И РАЗВИТИЕ НАУЧНОЕ МИРОВОЗЗРЕНИЕ СТУДЕНТОВ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

11. Shirin Kamolova, САМОВОСПИТАНИЕ – ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО – РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2020): Journal of Pedagogy and psychology in modern education

12.Shirin Kamolova, ПРЕЕМСТВЕННОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ МИРОВОЗЗРЕНИЯ СТУДЕНТОВ НА ОСНОВЕ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

13. Shirin Kamolova, THE ROLE OF UNIVERSAL AND SCIENTIFIC VALUES IN THE SPIRITUAL DEVELOPMENT OF FUTURE TEACHERS , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (октябрь)

14. Shirin Kamolova, ЎҚИТУВЧИ ПЕДАГОГИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 2 № 5 (2022): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (январь)

15. Shirin Kamolova, ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРАКТИВНЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАНИИ ЯВЛЯЕТСЯ ТРЕБОВАНИЕМ СЕГОДНЯШНЕГО ДНЯ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 2 (2021): Журнал педагогики и психологии в современном образовании (октябрь)

16.Shirin Kamolova, АВЕСТОДА АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ ВА УНИНГ ИЖТИМОИЙ- ПСИХОЛОГИК КЎРИНИШЛАРИ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari (Noyabr)

17. Shirin Kamolova, IMPLEMENTATION OF PEDAGOGICAL ETHICS IN FUTURE TEACHERS , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: № 3 (2021): Zamonaviy ta'limda Pedagogika va psixologiya fanlari (Noyabr)

18. Kamolova, S. (2022). БЎЛҒУСИ ЎҚИТУВЧИЛАР КОММУНИКАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ . *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *2*(6). Извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5195

19. Kamolova, Sh. (2022). ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, *2*(6). Извлечено от https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5197

20. Kamolova, S. U., Shakarbaeva, S. A., Yuldashev, S. A., & Ochilov, C. Q. (2020). The Essence Of The Content Of Enriching The Scientific Outlook Of Future Teachers. Essence, 29(8), 3593-3598.

21. Kamolova, Shirin Usarovna, & O‘Skanov, Mirsaid (2022). BOSHLANG‘ICH SINF O‘QITUVCHILARINING KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISH JIHATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 676-681.

22. Kamolova, Shirin Usarovna, & Axmedova, Fotima Xurramovna (2022). SOG’LOM SHAXS HAYOTIDA PSIXOLOGIK XIZMATNING O‘RNI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 630-636.

23. Qarshiboyeva, G.Ozligingni angla. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-52.

24. Каршибаева, Г. А., & Эшмуратов, О. Э. (2018). Факторы суицидального поведения, влияющие на формирование подросткового поведения. Молодой ученый, (49), 235-237.
25. Qarshiboyeva, G.ҲАЁТНИ СЕВИБ ЯШАНГ!. Архив Научных Публикаций JSPI, 1-48.
26.Qarshiboyeva, G.ЯЗЫК И ФОРМИРОВАНИЕ ВЫСШИХ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФУНКЦИЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.
27. Qarshiboyeva, G.OILADA BOLALARNI XALQ OG 'ZAKI IJODI NA'MUNALARI ASOSIDA TARBIYALASH. Архив Научных Публикаций JSPI.
28.Qarshiboyeva, G.ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ. Архив Научных Публикаций JSPI.
29. Qarshiboyeva, G., & Abdurasulov, R. Oquvchi sportchilarning intilish darajasi. Архив Научных Публикаций JSPI.
30. Каршибаева, Г. А.Особенности суицидального поведения в подростковом возрасте. Молодой ученый, (7), 663-665.
31. Каршибаева, Г. А. Суицидальное поведение-сложное социально-психологическое явление. In Психологические науки: теория и практика (pp. 37-39).
32. Каршибаева, Г. А.,N.Абдукадырова, Н. Х. Психологические особенности педагогических конфликтов. In Психология: традиции и инновации (pp. 65-68).
33. Каршибаева, Г. А.Психопрофилактические меры по предотвращению самоубийств у подростков. Молодой ученый, (49), 233-235.
34. Каршибаева, Г. А.Теоретическая основа проблемы психологических особенностей подростков с суицидальным поведением. Молодой ученый, (49), 230-233.

35. Каршибаева, Г. А., Норбекова, Б. Ш., & Туракулов, Л. Т. Суицид-это не просто способ обратить на себя внимание. European journal of education and applied psychology, (2).
36. Каршибаева, Г. А. Самоубийство в ряду других социальных явлений. Молодой ученый, (5), 581-584.
37. Каршибаева, Г. А., Абдукадырова, Н. Х., & Абдукаримова, Э. И.Педагогические конфликты-неизбежные спутники школьной жизни. In Аспекты и тенденции педагогической науки (pp. 115-117).
38. Каршибаева, Г. А.Некоторые факторы преодоления суицидальных действий среди подростков. In Психология: традиции и инновации (pp. 68-71).
39. Karshiboeva, G. ХАРАКТЕРИСТИКИ МОТИВАЦИОННЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ ПОДРОСТКОВ С СУИЦИДАЛЬНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ. EurasianUnionScientists, 1(10 (79)), 48-49.
40. Karshibayeva, G. Diagnostics and Preventive Measures against the Suicidal Behavior of Teenagers. YOUNG SCIENTIST USA., 117.
41. Каршибаева, Г. А., & Шарофиддинов, А. (2018). Роль пословиц в воспитании детей. Молодой ученый, (49), 275-277.
42. Каршибоева, Г. А. СОВРЕМЕННЫЙ АНАЛИЗ СУИЦИДАЛЬНОГО ПОВЕДЕНИЯ (Doctoral dissertation).
43. Каршибаева, Г. А.,Б. У. Расулов, Д. Р. Расулова, О. Э. Эшмуратов. Психологическая диагностика личностных и эмоциональных аспектов суицидального поведения подростка : непосредственный // Образование и воспитание. — 2018. — № 2 (17).
44. Qarshiboyeva, G. (2020). ХАРАКТЕРИСТИКИ МОТИВАЦИОННЫХ ПОТРЕБНОСТЕЙ ПОДРОСТКОВ С СУИЦИДАЛЬНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ. Архив Научных Публикаций JSPI.

45. Каршибаева, Г.А.Аспекты социально-психологического исследования суицидального поведения подростков.Мир образования— образование в мире научно-методический журнал 2021 г. 1 (81) 50-56 ст
49. Каршибаева, Г.А.Эмоциональные аспекты при суицидальной поведении подростка.Scientific Collection «InterConf», (40): with the Proceedings of the 2nd International Scientific and Practical Conference «Scientific Community: Interdisciplinary Research» (January 26-28, 2021). Hamburg, Germany: Busse Verlag GmbH. 304-309 c
50. Каршибаева, Г.А. Причины суицида и факторы риска. Психология интегральной индивидуальности в информационном обществе сборник статей II международной научно-практической конференции 23 апреля 2021 года. г.Саратов
51. Karshibayeva, G Diagnosis of suicidal behavior in adolescents. International Journal for Innovative Engineering and Management Research. A Peer Revieved Open Access International Jornal.// Vol 10 Issue03,March 2021 501-505 p
52. Karshibayeva, G. The importance of motivation to avoid failure in achieving the success of young football players. PSYCHOLOGY AND EDUCATION (2021) 58(2)
53. Qarshiboyeva, G.Суицидал хулқ муаммосини ўрганилишининг тарихий шарт-шароитлари. Pedagogikaning dolzarb muammo va yechimlari Respublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari, Jizzax (2021 yil 17 may)
54. Qarshiboyeva, G. Ўсмирларда суицидал ҳулқнинг психологик ҳолатлари. Pedagogikaning dolzarb muammo va yechimlariRespublika ilmiy-amaliy anjumani materiallari, Jizzax (2021 yil 17 may)
55. Karshibayeva, G. Диагностика суицидального поведения у подростков. ВЕСТНИК ИНТЕГРАТИВНОЙ ПСИХОЛОГИИ 2021 Выпуск 22. 84-89
56. Qarshiboyeva, G.Ногиронлиги бўлган аёлларга психологик хизматнинг ижтимоий омиллари. Ўқув қўлланма. "Баёз" нашриёти. Тошкент – 2019 йил. POP-356/7-119

57. Qarshiboyeva, G.Ногиронлиги бўлган аёлларнинг ички руҳиятида пайдо бўладиган ижтимоий психологик муаммолар. Journal of Pedagogy and psychology in modern education Vol. 2, October - 2021
59. Karshibayeva, G. The Problems that Appear in the Internal Psychological Ser Vices in the Mental Mode of Women with Disabilities. International Journal of Discoveries and
60. Karshibayeva, G.Innovations in Applied Sciences | SSN 2792-3983 (online), Published under Volume: 1 Issue: 7 in December-2021
61. Karshibayeva, G. Negative Socio-Psychological Factors Influencing the Personality of a Teenager. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences | SSN 2792-3983 (online), Published under Volume: 1 Issue: 7 in December-2021